

Имом Насафийнинг таржимаи ҳоли

22:20 / 27.04.2017 4730

У кишининг тўлиқ исмлари Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Абул Барокат Ҳофизиддин ан Насафийдир. У киши замонасининг етук олимларидан бўлиб, фикҳ, усулул фикҳ, тафсир, ҳадис ва калом илмининг билимдони бўлган. Аслида у киши Самарқанднинг қишлоқларидан бири бўлган Изижда туғилиб ҳижрий 710 йилда вафот этган. Ан Насафий деб аталиши эса Самарқанд ва Жайхун орасида жойлашган Мовароуннаҳрнинг шаҳарларидан бири бўлган Насаф шаҳрига нисбат бериб айтилган. Имом Насафий илм талабида Бағдод ва бошқа шаҳарларга риҳлат қилган ва сўнгра ўз ватанига қайтган. Фикҳ ва усулул фикҳда имом эди. Ҳадис ва унинг маъноларининг билимдони бўлиб, ўта тақволи ва зоҳид зотлардан эди.

Имом Насафийнинг бир қанча таснифотлари бўлиб улардан энг машҳурлари ва муҳимлари қуйидагилар:

1. “Канзуд дақоиқ”. Бу китоб ҳанафий фикҳида энг эътиборли матнлардан ҳисобланади.
2. “Ал Вофий”
3. “Ал Кофий Шарҳул Вофий”
4. “Ал Мусоффа”
5. “Умдатул Ақоид” (тавҳидда)
6. “Ал Манор” (усулул фикҳда)
7. “Кашфул Асрор фий Шарҳил Манор”
8. “Ал Мустасфо” Шарҳул Фикҳин Наафиъ
9. “Ал Эътимад” Шарҳул Умда
10. “Мадорикут Танзил ва Ҳақоиқут Таъвил”

НАСАФИЙ ТАФСИРИ ТАЪРИФИ ВА МУАЛЛИФИНING УНДАГИ УСЛУБИ

Бу тафсирни Имом Насафий р.а. “Тафсирул Байзовий” ва Замахшарийнинг “Кашшоф” тафсирлаидан мухтасар қилиб олган. Лекин уки Кашшофдаги мўътазила эътиқодидаги фикрларни ташлаб, Аҳли сунна вал Жамоа мазҳабига кўра таълиф қилган. Бу тафсир узун тафсирлар билан қисқа тафсирлар орасидаги ўртача тафсирдир. Бу тафсирда Имом Насафий р.а. қироат ва таркиб қоидалари ўртасидаги важҳларни жамлаган. Бунга Кашшофда келган балоғат қоидалари ва яширин нозик маъноларни кашф этишдан иборат бўлган бир қанча нарсаларни ҳам киритган. Шу билан бирга Замахшарий ўз тафсирида келтирган савол ва жавобларни ҳам келтирган. Лекин имом Насафий р.а. ўзининг бу тафсирда оятларни асос қилиб олган. Шунинг учун “Кашшоф”нинг соҳиби каби сураларнинг фазилати ҳақида мавзуъ ҳадисларни келтирганидек у киши мавзуъ ҳадисларни келтирмаган. Имом Насафий р.а. грамматик қоидаларга чуқур кирмай, балки енгил тўхталиб ўтган. Мутавотир етти қироатни лозим тутиб, ҳар бир қироатни ўз қорисига нисбатини берган. Ҳукм оятларнинг тафсирида фикҳий мазҳабларга қисқача тўхталиб ўтган. Ҳар бир мазҳаб келтирган фикрларни қисқача баён қилиб, асосан кўпинча ўзининг ҳанафий мазҳабини қўллаб қувватлаган. Мазҳабига муҳолиф келганларга раддиялар берган. Бу тафсирда Исроилиёт ривоятларининг зикри камдан-кам учрайди. Шунда ҳам уни келтириб, сўнгра уни рад қилади.

Дарҳақиқат имом Насафий р.а. ўз тафсирининг аввалида қисқа бир иборани келтириб, унда ўзининг бу тафсирини ёзишдаги йўналиши ва услубини баён қилиб, жумладан шундай дейди: Тафсир илмида қироат ва таркиб важҳларини жамлаган, “Бадиъ ва ишорат” илмининг нозик жиҳатларини ўз ичига олган, Аҳли суннат вал жамоатнинг сўзлари билан безалган, бидъат ва залолат аҳлининг ботил фикрларидан холи бўлган, малол келадиган даражада жуда узун бўлмаган ва халал берадиган даражада жуда қисқа бўлмаган, ўртача бир китобни ёздим.

Қудратуллоҳ Сидиқметов

Аҳмаджон қори жомеъ

масжиди имом хатиби